

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
DSc.06/2025.27.12.Tib.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**КАРИМОВА ФЕРУЗА РАХМАТБОЕВНА**

**СУРУНКАЛИ АЛЛЕРГИК ДЕРМАТИТЛАРНИ ДАВОЛАШНИ ХАЛҚ  
ТАБОБАТИ УСУЛЛАРИ БИЛАН ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.41 – Халқ таобати**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН – 2026**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

<b>Каримова Феруза Рахматбоевна</b> Сурункали аллергияк дерматитларни даволашни халқ табобати усуллари билан оптималлаштириш .....	5
<b>Каримова Феруза Рахматбоевна</b> Оптимизация лечения хронических аллергических дерматитов методами народной медицины .....	29
<b>Karimova Feruza Rakhmatboevna</b> Optimization of the treatment of chronic allergic dermatitis using traditional medicine methods .....	55
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	60

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/2025.27.12.Tib.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**КАРИМОВА ФЕРУЗА РАХМАТБОВНА**

**СУРУНКАЛИ АЛЛЕРГИК ДЕРМАТИТЛАРНИ ДАВОЛАШНИ ХАЛҚ  
ТАБОБАТИ УСУЛЛАРИ БИЛАН ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.41 – Халқ табobati**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН – 2026**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида B2024.3.DSc/Tib1157 ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.adti.uz](http://www.adti.uz)) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Қаюмов Холмурод Панович  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оponentлар:

Мўминжанов Миржалоил Муқимжон ўғли  
кимё фанлари доктори, профессор

Юлдашов Илхом Рўзиевич  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ҳакимов Насрулло Собирович  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация химояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузурдаги DSc.06/2025.27.12.Tib.02.02 ракамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «08» «02» соат 18:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50, e-mail: [info@adti.uz](mailto:info@adti.uz)).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3 ракам билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2026 йил «14» «02» кuni тарқатилди.  
(2026 йил «14» «02» 2026 даги 3 ракамли реестр баённомаси).



И.Ю.Маматова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, кимё фанлари доктори, профессор

Ж.А.Ботиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,  
доцент

Н.С.Ҳакимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 20% га яқини турли шаклдаги аллергия касалликлардан азият чекиб келмоқда ва уларнинг катта қисмини сурункали аллергия дерматитлар ташкил этади. Европа ва АҚШда олиб борилган эпидемиологик тадқиқотларда катталарнинг 3–5% ида, болаларнинг эса 15–20% ида аллергия дерматит белгилари кузатилиши қайд этилган. Бу касаллик нафақат тери шикастланиши билан, балки беморларнинг ҳаёт сифатини кескин пасайтириши, уйқу бузилишлари, руҳий-эмоционал ноқулайликлар ва ижтимоий мослашувнинг сусайиши билан ҳам аҳамиятлидир. Сўнгги йиллардаги илмий тадқиқотлар аллергия дерматитларга чалинган беморларда бронхиал астма, аллергия ринит, юрак-қон томир касалликлари ва метаболит бузилишлар хавфи юқори эканлигидан далолат бермоқда (ЖССТ, 2023).

Замонавий тиббиётда аллергия дерматитларни даволаш бўйича турли стандарт протоколлар ишлаб чиқарилган бўлсада, улар кўпинча симптоматик йўналтирилган бўлиб, узоқ муддатли самара доим ҳам таъминланмайди. Шу боис кўплаб мамлакатларда беморлар замонавий даволаш билан бирга халқ табobati воситаларидан ҳам кенг фойдаланмоқда. ЖССТ маълумотларига кўра, «...дунё аҳолисининг 80% га яқини турли касалликларни даволашда ёрдамчи восита сифатида халқ табobati усулларига мурожаат қилади...»<sup>1</sup>. Германия ва Францияда доривор ўсимликлардан тайёрланган препаратлар умумий дорихона айланмасининг 20–25% ини ташкил этса, Осиё мамлакатларида аҳолининг камида ярми аллергия касалликларда турли шифобахш ўсимликлар ва маҳаллий табиий воситалардан фойдаланиши қайд этилган<sup>2</sup>. Бироқ, аллергия дерматитларни даволашда халқ табobati усуллари самарадорлиги ва хавфсизлиги етарлича илмий асосланмагани билан фарқ қилади. Уларнинг таъсир механизмлари, оптимал дозалари ва узоқ муддатли таъсирлари кўп ҳолларда илмий тадқиқотларга эҳтиёж сезади. Шу боис замонавий тиббиёт ва халқ табobati усуллари уйғунлаштириш, клиник жиҳатдан самарадор ва хавфсиз йўналишларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини янада такомиллаштириш, жумладан, сурункали аллергия дерматитлар каби тери касалликларини ташхислаш, даволаш ва олдини олиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, халқ табobati усуллари замонавий клиник амалиёт билан уйғунлаштириш мақсадида замонавий диагностика усуллари кенг жорий этиш, инновацион даволаш йўналишларини амалиётга татбиқ қилиш, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳамда тиббий инфратузилмани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг

<sup>1</sup> ЖССТ маълумотлари // <https://globalhealth.duke.edu/news/traditional-chinese-medicine-global-trend-viable-alternative-western-medicine>

<sup>2</sup> Tian, J., Wang, C., Ye, Y., & Zhang, Y. (2023). Global epidemiology of atopic dermatitis: A systematic review and meta-analysis. *British Journal of Dermatology*, 189(2), 234–245.

тараққиёт стратегияси тўғрисидаги» Фармонида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, «Бирламчи тиббий-санитария хизматида сифатни ошириш» ва «Миллий анъаналарни инновацион ёндашувлар билан уйғунлаштириш»<sup>3</sup> каби устувор йўналишлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги ПҚ–3968-сон «Ўзбекистон Республикасида халқ таъбири соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ–4668-сон «Ўзбекистон Республикасида халқ таъбирини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги<sup>4</sup> қарорларида халқ таъбири усуллари илмий асосда ўрганиш, уларни замонавий тиббиёт амалиётига интеграция қилиш ва аҳолининг соғлом турмуш тарзини таъминлашга қаратилган вазифалар белгиланган. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, мазкур диссертация тадқиқоти халқ таъбири воситаларини илмий жиҳатдан баҳолаш, уларнинг клиник самарадорлигини аниқлаш ва амалий тиббиётга жорий этиш орқали белгиланган мақсадларга хизмат қилади.

**Мазкур тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар таҳлили<sup>5</sup>.**

Сурункали аллергия дерматитларнинг клиник-биокимёвий ривожланиш механизмлари, ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш, шунингдек, халқ таъбири усуллари замонавий алергология ва дерматология билан уйғунлаштиришга қаратилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Harvard Medical School, University of Toronto, University of Bologna, Seoul National University, Johns Hopkins University, University of Melbourne, Beijing University of Chinese Medicine, Kyung Hee University (АҚШ, Канада, Италия, Корея, Австралия, Хитой); Robert Koch Institute, National Institutes of Health (Германия, АҚШ); Тошкент давлат тиббиёт университети, Бухоро давлат тиббиёт институти (Ўзбекистон)да амалга оширилган.

Сурункали аллергия дерматитларнинг ёш ва жинс хусусиятлари, патогенез, диагностика ҳамда даволашни такомиллаштириш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: сурункали аллергия дерматитларнинг ёш ва жинсга хос клиник кўринишлари ҳамда ҳамроҳ касалликлар билан боғлиқлиги таҳлил қилинган (Harvard Medical School, University of Toronto); қондаги биомаркерлар — умумий ва махсус иммуноглобулин E (IgE), эозинофиллар,

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони, // <https://lex.uz/docs/5841063>

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.04.2020 йилдаги «Ўзбекистон Республикасида халқ таъбирини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4668-сон қарори // <https://lex.uz/docs/4785739>

<sup>5</sup> <https://hms.harvard.edu>, <https://www.utoronto.ca>, <https://www.unibo.it>, <https://en.snu.ac.kr>, <https://www.jhu.edu>, <https://www.unimelb.edu.au>, <https://english.bucm.edu.cn>, <https://www.khu.ac.kr>, <https://www.rki.de>, <https://www.nih.gov>, <https://tma.uz>, <https://bsmi.uz>

интерлейкинлар (IL-4, IL-13, IL-31) даражалари ҳамда уларнинг симптомлар шиддати билан боғлиқлиги аниқланган (Robert Koch Institute, National Institutes of Health, Johns Hopkins University); тери тўсиқ функцияси (филаггрин, кератинизация омиллари) ва микробиом ўзгаришлари қайд этилган (University of Bologna, University of Melbourne); ҳаёт сифати, уйку бузилишлари ва психоэмоционал ҳолатга таъсир кўлами баҳоланган (Seoul National University, University of Melbourne, Cambridge University); шифобахш ўсимликлар экстрактлари ва маҳаллий табиий воситаларнинг яллиғланишга қарши ва кичишишни камайтирувчи самараси клиник жиҳатдан ўрганилган (Beijing University of Chinese Medicine, Kyung Hee University); интегратив протоколлар (стандарт терапия + халқ табobati)нинг хавфсизлиги ва самарадорлиги бўйича назоратли клиник тадқиқотлар ўтказилган (Seoul National University, Kyung Hee University); маҳаллий шароитда сурункали аллергия дерматитларни даволашнинг клиник-назарий асослари ва амалиётга жорий этиш йўналишлари ишлаб чиқилган (Тошкент давлат тиббиёт университети, Бухоро давлат тиббиёт институти).

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Халқаро қўлланмаларда САДларни даволашда стероидларнинг ўрни алоҳида белгилаб қўйилган: ЖССТ тавсиясида улар қисқа муддатли даво воситаси сифатида кўрсатилган, асосий мақсад – яллиғланишни сусайтириш ва рецидивни назорат қилиш (WHO, 2022). Европа дерматология жамиятлари протоколларида (ЕААСI, EDF, EADV) эмоментлар билан бирга стероидлар асосий терапиянинг биринчи босқичи сифатида тавсия этилган, бироқ даво муддати чекланган (Wollenberg ва ҳаммуал., 2018). Америка дерматология академияси (AAD) қўлланмаси эса болаларда паст кучли стероидларни афзал кўради, катталарда эса ўрта ва кучли воситалар қисқа муддатда тавсия этилади (Eichenfield ва ҳаммуал., 2014).

Илмий изланишлар сурункали аллергия дерматитлар патогенезида иммунологик дисбаланс, цитокинлар даражаси ўзгариши, оксидатив стресс кўрсаткичлари ва С-реактив оксил каби маркерларнинг аҳамияти катта эканлигини кўрсатди (Park J. et al., 2020). Бироқ, клиник протоколларда асосан глюкокортикостероидлар ва антигистамин препаратлар тавсия этилиб, уларнинг узок муддатли қўлланилиши кўплаб ножўя таъсирлар билан боғлиқ.

Мамлакатимизда ҳам сурункали аллергия дерматитларнинг тарқалиши бўйича бир қатор ишлар олиб борилган. Хусусан, Ш.Юсуфов ва ҳаммуаллифлар (2021) маълумотларига кўра, атопик ёки контакт дерматит билан оғриган беморларнинг 25–30%ида клиник кечиш сурункали шаклга мойил экани қайд этилган. Шу билан бирга, маҳаллий шароитда тери касалликларини даволашда халқ табobati усулларида фойдаланиш ҳолатлари ҳам сақланиб қолмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз олимлари, жумладан профессорлар И.Р. Аскарров, Н.С.Мамасолиев, Х.Н.Қаюмов ва бошқалар томонидан халқ табobati воситалари самарадорлигини илмий жиҳатдан баҳолаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган. Олимларнинг тадқиқотларида табиий ёғлар, ўсимлик экстрактлари ва минерал моддаларнинг яллиғланишга қарши,

антиоксидант ва тери тикланишини тезлаштирувчи хусусиятлари илмий асосланган. Шу билан бирга, улар анъанавий табобат усулларини замонавий клиник протоколлар билан уйғун қўллаш имкониятларини таҳлил қилиб, уларнинг қўшимча восита сифатида фойдалилигини исботлаганлар. Бу маълумотлар халқ табобати воситаларининг клиник жиҳатдан асосланган ҳолда қўлланилишини таъминлаш ҳамда, сурункали аллергиялик дерматитларни табиий воситалар ёрдамида индивидуаллаштирилган даволаш имкониятларини очиб берган.

Халқ табобати усуллари, жумладан, ўсимлик ва ҳайвонот маҳсулотлари асосида тайёрланган маҳаллий дори воситалари ҳақидаги маълумотлар чекланган бўлиб, уларнинг самарадорлиги ва хавфсизлигига бағишланган йирик рандомизацияланган тадқиқотлар етарли эмас. Ҳоз ёғи ўз таркибида омега-3 ва омега-6 ёғ кислоталари теридаги липид барьерини тиклаш, намликни сақлаш ва яллиғланишни камайтиришга ёрдам беради. Клиник тадқиқотларда омега ёғ кислоталари теридаги қичишув ва эритемани сезиларли даражада пасайтириши қайд этилган (Lovell ва ҳаммуал., 2013). Шунинг учун ғоз ёғи асосидаги малҳамлар атопик дерматитни даволашда ёрдамчи усул сифатида кўриб чиқилмоқда. Зиғир ёғи (*Linum usitatissimum*)  $\alpha$ -линолен кислотасига бой бўлиб, яллиғланишга қарши таъсирга эга. Ҳайвонлардаги тадқиқотларда зиғир ёғи экзематоз тошмаларни камайтирган, инсонларда эса тери қичишиши ва тери тикланишини пасайтириши кўрсатилган (Kaul ва ҳаммуал., 2018). Кокос ёғи (*Cocos nucifera*) антимиқроб ва намлантирувчи таъсирга эга. Атопик дерматит билан оғриган болаларда ўтказилган тадқиқотда кокос ёғи қўлланган гуруҳда тери барьер функцияси яхшиланиши ва *Staphylococcus aureus* колонизацияси камайиши қайд этилган (Verallo-Rowell ва ҳаммуал., 2008).

Шундай қилиб, сурункали аллергиялик дерматитларни даволашда замонавий протоколларни халқ табобати усуллари билан уйғунлаштириш, клиник ва иммунобиокимёвий кўрсаткичларга таъсирини ўрганиш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш бўйича индивидуал ёндашувни ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб муаммо ҳисобланади. Юқоридагилар ушбу диссертация ишининг мақсад ва вазифаларини шакллантиришга имкон берди.

**Диссертация мавзусининг олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббиёт институтининг «COVID -19 дан кейин Бухоро вилояти аҳолиси соғлиғига таъсир қилувчи организмнинг патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга мўлжалланган янги ёндашувларни ишлаб чиқиш» 2022-2026 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот режаси асосида олиб борилган.

**Тадқиқот мақсади:** Халқ табобати усулларида фойдаланган ҳолда сурункали аллергиялик дерматитларни даволашнинг мавжуд усулларини оптималлаштириш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш.

### **Тадқиқот вазифалари:**

Сурункали аллергия дерматитларни даволаш бўйича замонавий клиник протоколлар ва тавсияларни, шу жумладан стероидли ва ностероидли препаратларни қўллаш хусусиятларини ўрганиш;

Сурункали аллергия дерматитларни даволашда анъанавий равишда қўлланиладиган халқ табobati усулларини (шифобахш ўсимликлар, мойлар, парҳезлар ва бошқа нофармакологик ёндашувлар) аниқлаш ва тизимлаштириш, уларни замонавий даволаш схемаларига интеграция қилиш имкониятларига эътибор қаратиш;

Алоэ экстракти билан бойитилган ғоз ёғи суртмасини ишлаб чиқиш ва уни токсиклиги ва терида қўзғатувчи таъсирини аниқлаш бўйича клиникага тадқиқот ўтказиш;

Сурункали аллергия дерматитларни алоэ экстракти билан бойитилган ғоз ёғи суртмаси ва халқ табobati усуллари билан комплекс даволаш усуллари самарадорлигини ёш ва жинс тоифалари кесимида баҳолаш, клиник ва лаборатор кўрсаткичларнинг динамикасини таҳлил қилиш;

Турли даволаш усулларининг эркаклар ва аёлларнинг турли ёш гуруҳлари ўртасидаги ўзига хосликларидан келиб чиқиб, беморларнинг ҳаёт сифатига таъсири, ижтимоий-иқтисодий ҳолати ўзгаришини ўрганиш;

Сурункали аллергия дерматитларни стандарт даволаш схемаларига халқ табobati усулларини интеграция қилиш бўйича шифокорлар ва беморлар учун амалий тавсиялар тайёрлаш.

**Тадқиқот объекти.** Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали базасида сурункали аллергия дерматит ташхиси қўйилган 298 нафар бемор тадқиқот объекти сифатида олинган.

**Тадқиқот предмети** сифатида сурункали аллергия дерматитлар билан касалланган беморларда клиник, лаборатор ва инструментал текширув усуллари, шунингдек, турли даволаш йўналишларининг самарадорлиги ва уларнинг клиник-иммунологик ҳамда биокимёвий кўрсаткичларга таъсири хизмат қилган.

**Тадқиқот усуллари.** Касаллар ҳолати клиник кўрик ва аниқланган стандарт дерматологик протоколлар асосида баҳоланди. Морфологик элементлар (эритема, инфильтрация, эскориация, лихенификация ва ҳ.к.) динамикаси қайд этилди. Дерматологик ҳаёт сифатини баҳолаш учун - Dermatology Life Quality Index (DLQI) шкаласидан фойдаланилди. Лаборатор текширувларга умумий қон таҳлили, биокимёвий кўрсаткичлар (С-реактив оқсил, эозинофиллар, лейкоцитлар) ва иммунологик кўрсаткичлар (IgE, IL-4, IL-10, АИК) киритилди. Қўшимча равишда биомаркерлар билан боғлиқ қатор текширувлар амалга оширилди. Даволашнинг самарадорлигини баҳолашда стандарт ва халқ табobati асосидаги усуллар қиёс қилинди, жумладан ғоз ёғи асосида тайёрланган маҳаллий суртмаларнинг клиник ва экспериментал тажрибалари ўтказилди. Барча маълумотлар статистик таҳлил қилинди (Шапиро–Уилк, Колмогоров–Смирнов,  $M \pm \sigma$ , 95% ишонч интервали).

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

Илк бор сурункали аллергик дерматитларни даволаш учун ғоз ёғи ва алоэ экстракти асосидаги маҳаллий суртма ҳамда унинг бетаметазон билан модификацияланган тури ишлаб чиқилган ва санитар-эпидемиологик хулосаси олинган.

Илк бор тайёрланган суртмалар таркибидаги алоэ экстрактининг алоин ва ацеманнан фитостероидлари яллиғланишга қарши, ғоз ёғи таркибидаги олеин ва линол кислоталари, фосфолипидлар эпителизацияни тезлаштирувчи ҳамда тери ҳимоя функциясини тикловчи хусусиятлари лаборатория шароитида клиникагача бўлган тажрибаларда комплекс баҳоланган, «Ғоз ёғи + алоэ экстракти + бетаметазон» таркибли комбинациянинг яллиғланишни бартараф этишдаги самарадорлиги стандарт бетаметазон суртмасидан ишончли даражада юқори эканлиги исботланган.

Алоэ экстракти билан бойитилган ғоз ёғи асосида тайёрланган маҳаллий суртманинг токсиклиги ҳамда терида кўзгатувчи таъсири баҳоланган, биотоксикологик тадқиқотлар натижасида восита юқори биотолерантликка эгаллиги, оғир ножўя таъсирлар қайд этмаслиги ва эпителизация жараёнини тезлаштириши аниқланган.

Комплекс даволаш усули — ғоз ёғи ва алоэ экстракти билан бойитилган суртма стандарт протоколлар билан уйғун қўлланилганда самарадорлиги юқорилиги аниқланди, DLQI индекси орқали баҳоланганда дерматологик ҳаёт сифатини яхшиланиши, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги, рецидивларнинг камайиши ва ремиссиянинг барқарор бўлиши исботланган.

Илк бор халқ табobati воситаларини замонавий тиббий протоколлар билан уйғунлаштирувчи интеграл клиник ёндашув ишлаб чиқилган, клиник, иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда беморларни хавф даражаларига ажратиш ва терапия самарадорлигини олдиндан башорат қилиш имконини берадиган сурункали аллергик дерматитларни даволашнинг индивидуаллаштирилган шкаласи ишлаб чиқилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

Сурункали аллергик дерматитлар ривожланиш хавфини баҳолаш учун клиник ва лаборатор мезонлар асосида комплекс диагностик алгоритм ишлаб чиқилди. Ушбу алгоритмда DLQI шкаласи, клиник симптомларни баҳолаш мезонлари (эритема, қичишиш, эскориация, лихенификация), шунингдек, иммунологик (IgE, IL-4, IL-10) ва биокимёвий кўрсаткичлар (CPO, эозинофиллар, лейкоцитлар) ҳисобга олинган, алгоритмнинг аниқлик даражасини ташхисий аҳамияти кўрсатилган.

Сурункали аллергик дерматитларнинг клиник кечиши ва рецидив хавфини баҳолаш учун интеграл баҳолаш индекси (ИБИ) шкаласи ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган. Ушбу шкала ёрдамида беморлар “паст хавф” (47,2%), “ўрта хавф” (34,6%) ва “юқори хавф” (18,2%) гуруҳларига ажратилган, бу эса касаллик динамикасини эрта башорат қилиш ва индивидуал терапия тактикасини белгилаш имконини яратади.

Сурункали аллергик дерматитларда клинко-лаборатория прогностик мезонлар (IgE, CPO, эозинофиллар даражаси, IL-10 кўрсаткичи) аниқланиб, улар орқали касаллик кечиши ва даволаш самарадорлигини башорат қилиш имконияти асослаб берилган.

Даволаш стратегиялари такомиллаштирилган: стандарт тиббий протоколларга ғоз ёғи асосидаги маҳаллий суртмалар қўшилганда симптомлар оғирлиги тезроқ камайиши ва ремиссия давомийлиги узунроқ экани исботланган. Сурункали аллергик дерматитларда рецидив хавфини таҳлил қилиш ва терапияга жавоб реакциясини баҳолаш амалга оширилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот замонавий, бир-бирини тўлдирувчи объектив клиник, неврологик, лаборатор-инструментал маълумотлар тадқиқот материаллари статистик усулларда қайта ишланганлиги, олинган натижаларнинг мамлакатимиз ва хорижий тадқиқотчиларнинг маълумотлари билан солиштирилганлиги, олинган натижалар ва хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлигига асосланади. Бундан ташқари, барча натижалар далилий тиббиёт принципларига асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот илмий аҳамияти шундаки, сурункали аллергик дерматитларни ташхислаш ва даволашда клиник кўрсаткичлар (эритема, қичишиш, эксфолиация, лихенификация), DLQI шкаласи, иммунологик (IgE, IL-4, IL-10, аутоиммун комплекслар) ва биокимёвий мезонлар (CPO, эозинофиллар, лейкоцитлар) уйғун ҳолда ҳисобга олинган ҳолда диагностик ва даволаш шкаласи ишлаб чиқилди.

Илк бор халқ табобати воситалари, хусусан ғоз ёғи асосида тайёрланган маҳаллий суртмаларнинг самарадорлиги қиёсий ўрганилиб, уларнинг клиник белгилар ва иммунологик кўрсаткичлар билан боғлиқлиги илмий жиҳатдан исботланди.

Сурункали аллергик дерматитларнинг клиник оғирлиги ва биомаркерлар ўртасидаги боғлиқлик илмий асосланди: DLQI баллари ва IgE, CPO даражалари ўртасида тўғри, IL-10 кўрсаткичи билан эса тескари корреляция аниқланди ( $r=0,62$ ;  $p<0,01$ ).

Илк бор интеграл балл тизими ишлаб чиқилиб, беморларни хавф гуруҳларига ажратиш ва касаллик кечишини башорат қилиш имконияти яратилди.

Тадқиқот амалий аҳамияти шундаки, сурункали аллергик дерматитларни ташхислаш ва даволашда индивидуал ёндашув асосида алгоритм жорий этилди. Унда беморнинг симптомлари, иммунологик кўрсаткичлари ва рецидив хавфи ҳисобга олинди.

Ғоз ёғи асосидаги маҳаллий суртмалар қўшилган даволаш тактикалари такомиллаштирилиб, уларнинг стандарт протоколлар билан уйғунлашган ҳолда қўлланилиши самарадорлиги клиник жиҳатдан исботланди. Асосий гуруҳда 14-кунда симптомлар 78,3% беморларда йўқолган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 54,7% ни ташкил этди ( $p<0,01$ ).

Олинган натижалар шифокор-амалиётчилар учун амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди: индивидуаллаштирилган даволаш орқали симптомларни енгиллатиш, ремиссия давомийлигини узайтириш ва рецидивлар сонини камайтириш мумкинлиги кўрсатилди.

Тадқиқот натижалари аллергология ва дерматология соҳасидаги шифокорлар, шунингдек, умумий амалиёт врачлари учун клиник қўлланма сифатида хизмат қилиши, тиббий олий таълим муассасаларида ординатор ва магистрлар ўқув жараёнида қўлланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурункали аллергик дерматитларнинг клиник-биокимёвий ва иммунологик профили ҳамда прогностик детерминантларини таҳлил қилиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижаларига кўра:

Сурункали аллергик дерматитларни клиник ва лаборатор текширувлар бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган «Суртма дориларни ғоз ёғи асосида такомиллаштириш усули» (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2025 йил 30 майдаги 25-м/148-сонли баённомаси) ва «Сурункали аллергик дерматитларни даволашда ғоз ёғи асосида оптималлаштирилган суртмалардан фойдаланиш усули» (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2025 йил 30 майдаги 25-м/149-сонли баённомаси) мавзусидаги услубий тавсиянома натижалари Республика ихтисослаштирилган аллергология ва клиник иммунология илмий-амалий тиббиёт маркази (19.06.2025, №38-сон буйруқ), Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси (01.07.2025, №96-сон буйруқ), Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология маркази Бухоро филиали (09.06.2025, №100-сон буйруқ) амалиётга жорий этилди.

*Биринчи илмий янгилик.* Сурункали аллергик дерматитлар хавф омиллари илк бор тизимли таҳлил қилинди. Ёш ва жинс хусусиятлари билан боғлиқ клиник фарқлар аниқланди ва ушбу натижалар асосида профилактика ва даволаш стратегияларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Мазкур таклифлар юқоридаги услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилиб, клиник амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлик:* хавф омилларини илк босқичда аниқлаш беморларда касаллик оғир кечишини олдини олишга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлик:* касалликни эрта ташхислаш ва профилактика чораларини кўриш ҳар бир бемор учун ўртача 1,5 млн сўм, 268 нафар бемор учун 402 млн сўм тежаш имконини берди. *Хулоса:* ушбу илмий янгилик амалиётга жорий этилиши натижасида соғлиқни сақлаш тизимида харажатларни сезиларли қисқартириш имконияти яратилди.

*Иккинчи илмий янгилик.* Сурункали аллергик дерматитларда иммунологик биомаркерлар (IgE, IL-4, IL-10) ва биокимёвий кўрсаткичлар (СРБ, эозинофиллар) билан клиник симптомлар ўртасидаги боғлиқлик илк бор қиёсий таҳлил қилинди. Бу маълумотлар асосида касаллик кечишини мониторинг қилиш ва даволаш самарадорлигини баҳолаш усуллари ишлаб чиқилди. Натижалар услубий тавсияномалар мазмунига киритилди ва клиник

амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлик:* биомаркерлар орқали даво жараёни самарадорлигини кузатиш имкони пайдо бўлди. *Иқтисодий самарадорлик:* ортикча таҳлиллар ва қиммат дорилардан воз кечиш ҳисобига бир беморга ўртача 1,2 млн сўм, 268 беморга 321,6 млн сўм тежалди. *Хулоса:* ушбу янгилик амалий жиҳатдан клиник ва лаборатор тадқиқотларни оптималлаштиришга хизмат қилди.

*Учинчи илмий янгилик.* Сурункали аллергик дерматитларда ҳаёт сифати ва психоэмоционал ҳолатга таъсири илк бор DLQI индекси ва клиник шкалалар орқали илмий асосда баҳоланди. Симптомлар камайиши билан уйқу ва психологик ҳолат яхшиланиши исботланди. Бу натижалар амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлик:* беморларнинг ҳаёт сифати ва иш қобилияти ошди. *Иқтисодий самарадорлик:* ортикча шифокорга муурожаатлар ва даволаниш давомийлигининг қисқариши ҳисобига бир беморга тахминан 1 млн сўм, 268 беморга 268 млн сўм тежалди. *Хулоса:* ушбу илмий янгилик натижалари соғлиқни сақлаш тизимида беморларнинг ижтимоий интеграциясига ижобий таъсир кўрсатди.

*Тўртинчи илмий янгилик.* Илк бор TQS (ИБИ) интеграл прогностик шкаласи ишлаб чиқилди ва валидизация қилинди. Унинг ёрдамида беморлар хавф гуруҳларига ажратилди ва даволаш тактикаси индивидуаллаштирилди. *Ижтимоий самарадорлик:* рецидив хавфини олдиндан башорат қилиш имкони пайдо бўлди. *Иқтисодий самарадорлик:* асоратларни эрта башорат қилиш ҳисобига ҳар бир бемор учун 2 млн сўм, 268 бемор учун 536 млн сўм тежаш имкони яратилди. *Хулоса:* ушбу шкала амалиётга жорий этилиб, касалликни башорат қилиш ва индивидуал даволаш усулларини оптималлаштириш имконини берди.

*Бешинчи илмий янгилик.* Илк бор стандарт протоколларга ғоз ёғи асосидаги маҳаллий суртмалар кўшилганда симптомларнинг йўқолиш тезлиги ва ремиссия давомийлиги клиник жиҳатдан қиёсий баҳоланди. Асосий гуруҳда 14-кунда симптомлар 78,3% беморларда йўқолган, назорат гуруҳида эса 54,7% ( $p < 0,01$ ). *Ижтимоий самарадорлик:* рецидивлар сезиларли даражада камайди, беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланиши таъминланди. *Иқтисодий самарадорлик:* импорт крем ва гормонал суртмаларга нисбатан арзонроқ усул сифатида ҳар бир беморга ўртача 1,7 млн сўм, 268 беморга 455,6 млн сўм тежаш имкони яратилди. *Хулоса:* ушбу усулнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида даволаш самарадорлиги ортиб, иқтисодий жиҳатдан тежамкорлик таъминланди.

**Тадқиқот натижаларини апробация қилиш.** Ушбу тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 6 та хорижий ва 6 та миллий конференцияда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 35 та илмий иш, шу жумладан 1 та дарслик, 1 та монография, 2 та услубий тавсиянома, 3 та ЭҲМ дастури, ҳамда, 16 та илмий мақола жумладан 7 та миллий ва 9 та хорижий Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, 7 та боб, хулоса, хотималар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 195 бет.

## **ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмда диссертация мавзусининг долзарблиги асослаб берилган, мақсад ва вазифалар ҳамда тадқиқот объекти ва предмети белгиланган. Тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикасининг илмий ва технологиялар соҳасидаги устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Илмий янгилик ва амалий натижалар баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Маълумотлар ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган илмий мақолалар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **биринчи боби «Сурункали аллергия дерматитларни даволашда стандарт ва халқ табобати усуллари бўйича адабиётлар шарҳи»** мавзусига бағишланган. Ушбу бобда сурункали аллергия дерматитларнинг (САД) патогенези, клиник хусусиятлари ва тарқалиш қонуниятлари ёритилган. Атопик дерматит, аллергия контакт дерматит ва себореяли дерматит каби турлари алоҳида тафсифланиб, уларнинг эпидемиологияси ва аҳоли турли ёш ҳамда жинс гуруҳларидаги намоён бўлиши таҳлил қилинган. Шунингдек, замонавий клиник протоколлар доирасида қўлланиладиган топик глюкокортикоидлар, уларнинг самарадорлиги ва ножўя таъсирлари ҳақида маълумотлар берилган. Халқаро тавсияларда антигистаминлар, суртмалар ва бошқа воситалар билан уйғунлаштирилган даво усуллари ёритилган.

Бобда халқ табобатига оид тарихий ва замонавий ёндашувлар ҳам таҳлил қилиниб, ғоз ёғи, алоэ, зиғир ёғи каби воситаларнинг қўлланиш тажрибаси ва имкониятлари кўрсатилган. Улардан замонавий тиббий протоколларга интеграция қилиш истиқболлари муҳокама қилинган. Шунингдек, илмий адабиётларда ҳали етарлича ҳал этилмаган масалалар – узоқ муддатли даволаш самарадорлигини баҳолаш, биомаркерлар асосида диагностика қилиш имкониятлари ва янги комплекс протоколларга эҳтиёж масаласига эътибор қаратилган.

Диссертациянинг **иккинчи бобида «Тадқиқот материаллари ва усуллари»** баён этилган. Ушбу бўлимда тадқиқотнинг дизайни, текширув гуруҳларининг таркиби ва қўлланилган усуллар атрофича ёритилган. Тадқиқот 2018–2024 йилларда Бухоро давлат тиббиёт институти клиник базаларида амалга оширилиб, жами 268 нафар сурункали аллергия дерматит билан оғриган беморлар қамраб олинган. Улар даволаш усулига кўра уч гуруҳга ажратилган: ғоз ёғи ва алоэ + бетаметазон суртмаси билан даволанган беморлар, ғоз ёғи ва алоэ суртмаси қўлланилган беморлар ва стандарт тиббий ротокол асосида бетаметазон қўлланилган беморлар.

Бобда клиник маълумотларни йиғиш ва дерматологик ҳолатни баҳолаш услублари, лаборатор-биокимёвий кўрсаткичларни аниқлаш тартиблари, иммунологик текширувларда цитокинлар ва маҳаллий иммунитет

параметрларини ўрганиш усуллари келтирилган. Шунингдек, морфологик ва гистологик таҳлиллари орқали теридан олинган биопсия намуналари ўрганилган. Қўлланилган маҳаллий суртмаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари, жумладан рН, реологик кўрсаткичлари ва сингиш даражалари баҳоланган.

Олинган маълумотларни қайта ишлаш жараёнида замонавий статистик усуллардан — вариацион таҳлил, корреляцион ҳисоб-китоблар ва ROC таҳлилидан фойдаланилган. Ҳисоб-китоблар SPSS Statistics ва MS Excel дастурлари ёрдамида амалга оширилиб, натижаларнинг ишончлилиги даражаси  $p < 0,05$  сифатида белгиланган.

Диссертациянинг **учинчи боби** — «Сурункали аллергия дерматитларни даволашда стандарт тиббий протоколлар ва халқ табobati усуллари қўллашнинг самарадорлик таҳлили»га бағишланган. Ушбу бобда тадқиқот гуруҳларидаги беморларнинг клиник тавсифи, қўлланилган стандарт протоколларнинг самарадорлиги ҳамда халқ табobati усуллари натижалари қиёсий таҳлил қилинган. Сурункали аллергия дерматитларнинг турли клиник шакллари, аломатларининг ифодаланиш даражаси ва уларнинг даволаш усулига боғлиқ ўзгаришлари баён этилган. Стандарт тиббий протоколлар фонида клиник белгиларнинг тез пасайиши кузатилган бўлсада, рецидивлар сақланиб қолгани қайд этилган. Халқ табobati воситаларида қўлланилган алоэ, ғоз ёғи ва бошқа табиий компонентлар симптомларни енгиллатишга ва тери баръерини тиклашга ёрдам берган, бироқ самарадорлик даражаси стандарт протоколлардан пастроқ эканлиги кўрсатилган.

Шу билан бирга, икки йўналишнинг афзаллик ва чекловлари таққослаб таҳлил қилинган, узоқ муддатли ремиссияга эришиш ва рецидивларни камайтириш учун стандарт протоколларни халқ табobati усуллари билан уйғунлаштиришнинг истиқболлари кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқотда жами 298 нафар бемор қатнашди, улардан 138 (46,3%) нафар эркаклар ва 160 (53,7%) нафар аёлларни ташкил қилди (1-жадвал).

**1 - жадвал**

**Беморларни ёш категориялари бўйича тақсимоти, n=298**

№	Ёш гуруҳи	Эркаклар (n=138)		Аёллар (n=160)	
		Абс.	%	Абс.	%
1	18 ёшгача	61	44,2	51	31,9
2	18–44 ёш	42	30,4	66	41,3
3	45–59 ёш	19	13,8	27	16,9
4	60-74 ёш	16	11,6	16	10
	Жами	138	46,3	160	53,7

Эркакларда ўртача ёш  $27,7 \pm 1,27$  ёш, аёлларда эса  $30,6 \pm 1,13$  ёш бўлиб, аёллардаги кўрсаткич эркакларга нисбатан тахминан 10,5% юқорироқ экани қайд этилди. Беморларнинг ёш ва жинс бўйича тақсимоти САДнинг қайси ёшда кўпроқ ривожланишини, қайси жинсда узоқроқ сақланишини кўрсатиб беради. Бу маълумотлар клиник ташхис ва индивидуал даво усуллари

танлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳолат аёлларда касаллик клиник белгилари узоқроқ давом этишини, сурункали аллергия дерматитларнинг сурункали табиатини ва катта ёшгача сақланишини кўрсатади.

18 ёшгача бўлган аёлларда эркакларга нисбатан тахминан 1,36 марта кўпроқ экани қайд этилди. 45–59 ёш тоифада кўрсаткичлар деярли яқин, бироқ аёлларда устунлик тенденцияси мавжуд. 60–74 ёшда касаллик икки жинсда ҳам деярли тенг даражада учрайди. Умумий ҳисобда, эркакларда болалик ёшида юқори кўрсаткич қайд этилса, аёлларда ўсмирлик ва фертил ёшда сурункали аллергия дерматитлар тарқалиши юқорироқ бўлган.

Беморларнинг қанақа даво усулини кўпроқ танлаши сурункали аллергия дерматитлар клиникасининг узоқ муддатли хусусиятларини ҳамда аҳоли орасида турли даво усулларига бўлган ишончли кўрсатиб беради. Бу маълумотлар келгусида интеграцияланган даво стратегиясини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, сурункали аллергия дерматитлар билан касалланган беморлар орасида ҳам стандарт, ҳам халқ табobati усуллари кенг қўлланилмоқда. Эркакларда халқ табобатига мурожаат қилиш нисбатан кўпроқ бўлса, аёлларда стандарт тиббий протоколларга устунлик кузатилган. Бу ҳолат бир томондан халқ табobati воситаларидаги фитопрепаратлар ва табиий моддаларнинг антиинфламатор ва антиоксидант таъсирига ишонч билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан стандарт тиббий ёрдамнинг клиник самараси юқори эканлиги билан изоҳланади.

Стандарт протоколлар асосида даволанган беморларда клиник кўрсаткичлар таҳлил қилинган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Стандарт тиббий протоколлар асосида даволанган беморларда клиник кўрсаткичларнинг динамикаси, ( $M \pm m$ , балл)

№	Кўрсаткичлар	Даволашгача		Даволангандан сўнг	
		Эркаклар (n=75)	Аёллар (n=94)	Эркаклар (n=75)	Аёллар (n=94)
1	Қичишув интенсивлиги	7,9±1,03	7,6±0,98	4,1±0,62	3,8±0,57
2	Эритема майдони (см <sup>2</sup> )	56,4±7,34	54,2±7,0	22,1±3,10	20,7±2,9
3	Терининг қуруқлиги	6,9±0,93	6,6±0,88	3,3±0,46	3,0±0,43

Қичишув интенсивлиги кўрсаткичлари бошланғич ҳолатга нисбатан қарийб икки баробар камайгани ва ишончли фарқ мавжудлигини кўрсатади ( $p < 0,01$ ). Эритема майдонининг сезиларли даражада пасайганини кўрсатади ( $p < 0,001$ ). Терининг қуруқлиги сезиларли равишда яхшиланган ( $p < 0,01$ ).

Ремиссия муддати ва даволаш давомийлигини таҳлил қилиш сурункали аллергия дерматитларда стандарт протоколларнинг клиник самарадорлигини ишончли баҳолаш имконини беради. Бу кўрсаткичлар келгусида даво тактикаси ва профилактика чораларини такомиллаштиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилади (3– жадвал). Симптомлар енгиллашиши бошланган кун кўрсаткичлари иккала жинсда деярли яқин. Аёлларда қичишиш эркакларга

нисбатан тезроқ йўқолган. Даволаш муддати ҳар икки жинсда ўхшаш бўлган. Аёлларда ремиссиянинг биров узокроқ давом этгани қайд этилди.

### 3-жадвал

#### Стандарт тиббий протоколлар билан даволанганда ремиссияга эришиш муддати ва даволаш давомийлиги, (M±m)

№	Кўрсаткичлар	Эркаклар (n=75)	Аёллар (n=94)
1	Симптомлар енгиллашиши бошланган кун	4,2±0,63	3,9±0,58
2	Эритема тўлиқ йўқолган вақт (кун)	17,7±2,48	16,9±2,33
3	Қичишув йўқолган вақт (кун)	12,6±1,76	11,9±1,66
4	Умумий даволаш давомийлиги (кун)	19,9±2,78	19,1±2,61
5	Ремиссия давомийлиги (ой)	3,7±0,55	3,9±0,57

Рецидив ҳолатлар статистикасини таҳлил қилиш стандарт терапия самарадорлигини узок муддатли баҳолаш, қўшимча терапия заруратини аниқлаш ҳамда келгусида индивидуал даво тактикаларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқот натижалари ҳар тўрт бемордан бири стандарт протоколдан ташқари қўшимча терапияга эҳтиёж сезганини кўрсатади.

Клиник кўрсаткичларнинг динамикасини таҳлил қилиш орқали халқ табобати қўшилган ҳолатларда стандарт протоколларга нисбатан даво самараси қандай ўзгариши аниқланади. Бу маълумотлар келгусида интеграцияланган терапияни илмий асослашда муҳим аҳамиятга эга. Натижалар стандарт протоколга нисбатан қарийб икки баробар узокроқ ремиссияни кўрсатади.

Рецидив ҳолатлари ва қўшимча терапия талаби халқ табобати қўшилган ҳолда даволашнинг самарадорлигини узок муддатли кузатиш имконини беради. Бу маълумотлар келгусида интеграцияланган терапиянинг афзалликларини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳолат қўшимча воситаларга эҳтиёжнинг камайганини кўрсатади.

Диссертациянинг **тўртинчи боби** — «**Экспериментал тадқиқотлар натижалари**»га бағишланган. Ушбу бўлимда ғоз ёғи асосида тайёрланган маҳаллий суртмаларнинг турли модификациялари клиникагача бўлган шароитларда баҳоланган. Экспериментал модел сифатида оқ зотсиз сичқонларда дерматит ҳолати чақирилган ва турли модификацияланган маҳаллий суртмалар (алоэ экстракти, бетаметазон, левомекол, метилурацил қўшилган шакллар) қўлланилган. Тадқиқот жараёнида клиник кузатувлар, функционал ўлчаш усуллари ва морфологик таҳлиллар асосида натижалар баҳоланган.

Синов намунаси ҳайвонларга турлича дозаларда, паст концентрацияли суртма шаклида терига суртилди. Таққослаш гуруҳига стандарт даво сифатида метилурацил ва хлорамфеникол таркибли суртмадан («Левомекол», АО «Нижфарм», (Россия)) фойдаланилди.

Суртмаларнинг терига суртилишдаги ҳажми белгиланган энг юқори чегарадан ошмади. Кузатув жараёнида қуйидаги ҳолатлар баҳоланди: ҳайвонларнинг умумий аҳволи, хулқи, ҳаракат фаоллиги, тиришишлар

мавжудлиги, ҳаракат координацияси, мушак тонуси, ташқи таъсирловчиларга реакцияси, нафас олиш ҳолати, юрак уриши, юнг ва терининг ҳолати, шиллик пардалар ҳолати, дум жойлашуви, овқат ва сув истеъмоли, вазн ўзгаришлари ва бошқа токсик таъсирни кўрсатувчи клиник белгилар. Шунингдек, интоксикациянинг ривожланиш вақти ва эҳтимолий ўлим ҳолатлари ҳам алоҳида қайд этилди.

Ҳайвонларда клиник ҳолат, хулқ-атвор, оғирлик ўзгариши, тери ва шиллик пардалар ҳолати ҳамда ҳаётининг фаолият кўрсаткичларининг таҳлили шунга олиб келдики, препаратнинг ушбу модификациялари ҳатто энг юқори дозаларда ҳам ўлим (летал ҳолатлар) га олиб келмади. Шу сабабли, ўткир токсиклик кўрсаткичи бўйича токсик эмас деб баҳоланди ва уларнинг тахминий LD<sub>50</sub> даражалари юқоридаги максимал дозалардан ошиб кетмайди. Бу эса ғоз ёғи асосли суртма модификациялари клиникагача бўлган босқичда биологик хавфсизлик нуқтаи назаридан истиқболли эканини кўрсатади.

Амалга оширилган экспериментал тадқиқотлар натижалари ғоз ёғи ва табиий компонентлар асосида тайёрланган маҳаллий суртмаларнинг хавфсизлиги ва самарадорлигини тасдиқлади. Жонли моделларда қўлланилган модификацияланган суртмалар яллиғланиш белгилари ва теридаги морфологик ўзгаришларни камайтирди, эпителий тикланишини тезлаштирди. Морфологик таҳлиллар воситаларнинг тери тузилишига ижобий таъсирини кўрсатди, бу эса клиник тадқиқотларда улардан самарали фойдаланиш учун илмий асос яратиб берди.

**Диссертациянинг бешинчи боби — «Сурункали аллергия дерматитларни даволашда ғоз ёғи асосидаги модификация қилинган маҳаллий суртмаларнинг клиник самарадорлиги»** мавзусига бағишланган. Ушбу бобда клиник шароитда ғоз ёғи, алоэ экстракти ва бетаметазон қўшилган маҳаллий воситаларнинг самараси қиёсий баҳоланган. Бобда модификация қилинган маҳаллий суртмалар қўлланилган беморларда қичишиш, эритема ва инфильтрация каби асосий клиник белгиларнинг тез пасайиши, ремиссиянинг узокқа чўзилиши ва рецидивлар сонининг камайиши қайд этилган. Шунингдек, дерматологик ҳаёт сифати индекси кўрсаткичлари ҳам сезиларли даражада яхшиланган.

Тадқиқотда беморлар терисидаги ўзгаришлар динамикаси ёш ва жинс хусусиятлари билан қиёслаб таҳлил қилинди. Даволаш бошланишида беморларда яллиғланиш элементлари кенг тарқалган бўлиб, тугунчалар 71 (81,6%), пуфакчалар 51 (58,6%), эксориациялар 60 (68,9%) ва тирналиш излари 16 (18,5%) беморда аниқланган. Бир ойлик кузатув натижалари: теридаги яллиғланиш элементлари сони сезиларли даражада камайган: тугунчалар 71 тадан 35 тага (–50,7%), пуфакчалар 51 тадан 18 тага (–64,7%), эксориациялар 60 тадан 28 тага (–53,3%) ва тирналиш излари 16 тадан 11 тага (–31,2%) қисқарган. Аниқланган динамика ҳар икки жинсда ҳам ижобий бўлган, бироқ аёллар контингентинида регрессия тезлиги юқорирок экани статистик жиҳатдан тасдиқланган ( $\chi^2 = 9,12$ ;  $p < 0,05$ ).

Уч ойлик кузатув босқичида теридаги патологик элементлар минимал даражага етган. Тугунчалар сони 16 (–77,5%), пуфакчалар 5 (–90,2%),

эксориациялар 10 (–83,3%) ва тирналиш излари 4 (–75,0%) ҳолатда сақланиб қолган. Бу ўзгаришлар клиник жиҳатдан ҳам, статистик жиҳатдан ҳам аҳамиятли бўлиб,  $\chi^2$  таҳлили натижалари бўйича умумий динамиканинг ишончилиги  $\chi^2 = 28,47$ ;  $df = 6$ ;  $p < 0,001$  даражада тасдиқланди. Даволашнинг 3 ойлик натижалари асосий гуруҳда терининг яллиғланиш белгилари деярли тўлиқ бартараф бўлганини кўрсатди.

Тадқиқот доирасида беморлар стандарт терапия билан бир қаторда ғоз ёғи ва алоэ экстракти асосида тайёрланган табиий суртма билан даволанди. Даволаш бошланишида беморлар терисида яллиғланиш элементлари кенг тарқалган бўлиб, тугунчалар 78 (86,7%), пуфакчалар 58 (66,7%), эксориациялар 58 (66,7%) ва тирналиш излари 10 (11,5%) беморда қайд этилди. Бир ойлик даволаш натижасида яллиғланиш элементларининг сезиларли регрессияси кузатилди. Тугунчалар сони 78 тадан 6 тага (–92,3%), пуфакчалар 58 тадан 10 тага (–82,8%), эксориациялар 58 тадан 28 тага (–51,7%), тирналиш излари 10 тадан 28 тага ошиб қайд этилган бўлиб, бу кўрсаткич клиник жиҳатдан интерпретация қилинганда, теридаги яллиғланиш элементлари камайиши билан бирга эпидермал тикланиш жараёнларининг фаоллашганидан далолат беради. Тирналиш изларининг ошиши беморлардаги қичишишнинг давомийлиги билан изоҳланади. Жинс кесимида эркакларда яллиғланиш элементлари 1 ойда 65–70% гача камайган бўлса, аёлларда бу кўрсаткич 75–80% атрофида бўлган. Ёш тоифалари кесимида 18 ёшгача ва 18–44 ёшли беморларда тери тикланиш жараёнлари фаол кечган, кекса ёшли беморларда (60–74 ёш) динамика нисбатан суст бўлган.

Уч ойлик даволаш якунида теридаги яллиғланиш элементларининг деярли тўлиқ йўқолиши қайд этилди. Тугунчалар 3 (–96,1%), пуфакчалар 7 (–87,9%), эксориациялар 15 (–74,1%) ва тирналиш излари 15 (–46,4%) ҳолатда сақланиб қолган бўлиб, асосий қисми енгил даражадаги ва субклиник ҳолатлар билан чекланган. Эпидермис структураси барқарор тикланган, қичишиш ва гиперемия белгилари деярли йўқолган.

Бетаметазон таъсир самарадорлигини баҳолаш мақсадида терининг яллиғланиш элементлари (тугунча, пуфакча, эксориация ва тирналиш излари) даволашнинг турли босқичларида ёш ва жинс кесимида таҳлил қилинди. Даволашнинг бошланишида беморлар терисидаги яллиғланиш элементлари кўп ҳолларда тугунча, пуфакча, эксориация ва тирналиш излари кўринишида намоён бўлди. Улардан энг кўп учрагани тугунчалар — 81 (86,2%) ва эксориациялар — 59 (62,8%) бўлиб, пуфакчалар — 51 (54,3%) ва тирналиш излари — 16 (17,0%) ҳолатда қайд этилди. Бир ойлик даволаш натижасида терининг яллиғланиш элементларининг изчил камайиши кузатилди. Тугунчалар 81 тадан 22 тага (–72,8%), пуфакчалар 51 тадан 14 тага (–72,5%), эксориациялар 59 тадан 17 тага (–71,2%), тирналиш излари 16 тадан 6 тага (–60,0%) камайди. Терининг эпидермис қаватида шиш, гиперемия ва қичишиш белгиларининг пасайиши аниқланди. Ёш гуруҳлари бўйича таҳлилда болалик ва ўсмирлик даврида клиник динамика тезроқ кечгани кузатилди, кекса ёш контингентида эса ўзгаришлар нисбатан суст кечган.

Уч ойлик кузатув якунида яллиғланиш элементларининг сони минимал даражага етди. Тугунчалар 11 (–86,4%), пуфакчалар 7 (–86,2%), эксориациялар 9 (–84,7%), тирналиш излари 3 (–81,3%) ҳолатда сақланиб қолди. Ушбу ўзгаришлар беморларда тери тикланишининг барқарорлашганини, эпидермис структурасининг ва терининг ҳимоя функцияси тикланганини кўрсатди. Таҳлил натижаларига кўра, яллиғланиш элементларининг камайиши статистик жиҳатдан ишончли бўлиб,  $\chi^2 = 20,48$ ;  $df = 6$ ;  $p < 0,001$  даражада аниқланди. Эркакларда тугунчали элементлар тезроқ бартараф этилган бўлса, аёлларда пуфакча ва эксориациялар динамикаси сезиларли бўлган. Бу ҳолат жинсга хос гормонал омиллар ва тери реактивлигининг фарқи билан изоҳланади.

САД билан оғриган беморларда ғоз ёғи асосидаги модификация қилинган маҳаллий суртмалар қўлланилиши клиник самарадорлиги юқори эканлиги кўрсатди. Даволаш жараёнида қичишиш, эритема ва инфльтрация каби асосий белгилар тез пасайди, ремиссия давомийлиги узайди ва рецидивлар сони сезиларли даражада камайди.

**Диссертациянинг олтинчи боби — «Сурункали аллергия дерматитларни даволашда ғоз ёғи асосидаги маҳаллий суртмаларни қўллашдаги клиник ва лаборатор ўзгаришлар хусусиятлари»**га бағишланган. Ушбу бобда ғоз ёғи ва алоэ экстракти асосида тайёрланган маҳаллий воситалар билан даволаш фонида клиник белгиларнинг динамикаси, қондаги лаборатор кўрсаткичлар ва беморларнинг дерматологик ҳаёт сифати индексидаги ўзгаришлар таҳлил қилинган.

Асосий, қиёсий ва назорат гуруҳларида қичишув интенсивлигининг ўзгаришини таҳлил қилиш орқали қайси даво усули самаралироқ эканини ва қайси гуруҳда клиник белгилари тезроқ енгиллашганини аниқлаш мумкин. Бу маълумотлар келгусида даво тактикаси ва индивидуал терапияни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Даволашгача: қичишув интенсивлиги барча гуруҳларда юқори даражада бўлиб, асосий гуруҳда эркаклар –  $7,9 \pm 0,2$ , аёллар –  $8,0 \pm 0,2$ ; қиёсий гуруҳда эркаклар –  $7,6 \pm 0,2$ , аёллар –  $7,8 \pm 0,2$ ; назорат гуруҳида эркаклар –  $7,7 \pm 0,2$ , аёллар –  $7,8 \pm 0,2$  баллни ташкил қилди. Гуруҳлар ўртасида ишончли фарқ кузатилмади ( $p > 0,05$ ).

1 ойдан кейин: асосий гуруҳда қичишув интенсивлиги сезиларли даражада пасайиб, эркакларда  $3,8 \pm 0,2$ , аёлларда  $3,6 \pm 0,2$  баллни ташкил қилди. Қиёсий гуруҳда кўрсаткичлар юқорироқ сақланди ( $5,4 \pm 0,2$  ва  $5,2 \pm 0,2$ ), назорат гуруҳида эса  $4,6 \pm 0,2$  ва  $4,3 \pm 0,2$  қайд этилди. Асосий гуруҳда қичишувнинг пасайиши қиёсий ва назорат гуруҳларига нисбатан ишончли фарқ билан қайд этилди ( $p < 0,01$ ). 3 ойдан кейин: асосий гуруҳда қичишув интенсивлиги янада камайиб, эркакларда  $1,9 \pm 0,1$ , аёлларда  $1,8 \pm 0,1$  баллга тушди. Қиёсий гуруҳда бу кўрсаткичлар юқорироқ бўлиб қолди ( $3,8 \pm 0,2$  ва  $3,6 \pm 0,2$ ), назорат гуруҳида эса  $3,2 \pm 0,2$  ва  $3,0 \pm 0,2$  балл қайд этилди. Асосий гуруҳдаги натижалар қиёсий ва назорат гуруҳларига нисбатан ишончли равишда яхши эканлиги аниқланди ( $p < 0,001$ ).

Даволаш жараёнида эритема майдонининг қисқариши яллиғланиш медиаторларининг пасайиши ва тери барьерининг тикланишини кўрсатади.

Асосий, қиёсий ва назорат гуруҳларида қайд этилган кўрсаткичлар асосида қайси даво усули энг юқори самара бергани аниқланиши мумкин. Давогача: эритема майдони барча гуруҳларда деярли бир хил бўлиб, асосий гуруҳда эркаклар  $2,9 \pm 0,1$  см<sup>2</sup>, аёллар  $3,0 \pm 0,1$  см<sup>2</sup>, қиёсий гуруҳда  $2,8 \pm 0,1$  ва  $2,9 \pm 0,1$ , назорат гуруҳида ҳам худди шундай ( $2,8 \pm 0,1$  ва  $2,9 \pm 0,1$ ). 1 ойдан кейин: асосий гуруҳда эритема майдони сезиларли қисқариб, эркакларда  $1,3 \pm 0,1$  см<sup>2</sup>, аёлларда  $1,2 \pm 0,1$  см<sup>2</sup> қайд этилди. Қиёсий гуруҳда бу кўрсаткич юқорирок сақланди ( $1,9 \pm 0,1$  ва  $1,8 \pm 0,1$ ), назорат гуруҳида эса оралик қийматлар ( $1,6 \pm 0,1$  ва  $1,5 \pm 0,1$ ) кузатилди. Асосий гуруҳнинг афзаллиги ишончли фарқ билан аниқланди ( $p < 0,01$ ). 3 ойдан кейин: асосий гуруҳда эритема майдони минимал даражада қайд этилди — эркакларда  $0,6 \pm 0,1$  см<sup>2</sup>, аёлларда  $0,5 \pm 0,1$  см<sup>2</sup>. Қиёсий гуруҳда бу кўрсаткич юқорирок ( $1,1 \pm 0,1$  ва  $1,0 \pm 0,1$ ), назорат гуруҳида эса  $0,9 \pm 0,1$  ва  $0,8 \pm 0,1$  бўлди. Асосий гуруҳда эритема майдонининг кескин қисқариши ишончли равишда устунлик қилди ( $p < 0,001$ ).

Даволаш жараёнида тери куруқлиги динамикасини баҳолаш орқали турли даво усулларининг самарадорлиги қиёслаб чиқилди. Асосий, қиёсий ва назорат гуруҳларида қайд этилган ўзгаришлар қайси даволаш усули натижа берганини аниқлаш имконини беради. Давогача: тери куруқлиги барча гуруҳларда деярли бир хил даражада қайд этилган: асосий гуруҳда эркаклар  $1,8 \pm 0,1$ , аёллар  $1,9 \pm 0,1$ ; қиёсий гуруҳда  $1,7 \pm 0,1$  ва  $1,8 \pm 0,1$ ; назорат гуруҳида ҳам худди шундай. 1 ойдан кейин: асосий гуруҳда тери куруқлиги кескин камайиб, эркакларда  $0,7 \pm 0,1$ , аёлларда  $0,6 \pm 0,1$  баллга тушди. Қиёсий гуруҳда бу кўрсаткич юқорирок бўлиб,  $1,0 \pm 0,1$  ва  $0,9 \pm 0,1$ , назорат гуруҳида эса  $0,9 \pm 0,1$  ва  $0,8 \pm 0,1$  қайд этилди. Асосий гуруҳ афзаллиги ишончли фарқ билан намоён бўлди ( $p < 0,01$ ). 3 ойдан кейин: асосий гуруҳда тери куруқлиги деярли йўқ даражага тушди — эркак ва аёлларда  $0,2 \pm 0,05$  балл. Қиёсий гуруҳда кўрсаткичлар юқорирок ( $0,4 \pm 0,05$  ҳар икки жинсда), назорат гуруҳида эса  $0,3 \pm 0,05$  қайд этилди. Асосий гуруҳдаги динамика қиёсий ва назорат гуруҳларига нисбатан ишончли равишда устун бўлди ( $p < 0,001$ ).

Асосий, қиёсий ва назорат гуруҳлари мисолида клиник кўрсаткичларни солиштириш қайси терапиянинг самаралироқ эканини кўрсатади. Бу маълумотлар келгусида интеграцияланган даво усулларини ишлаб чиқишда ва индивидуал терапияни танлашда муҳим аҳамиятга эга. (4-жадвал). Асосий гуруҳда симптомлар бошқа гуруҳларга нисбатан тезроқ енгиллашган ( $p < 0,01$ ). Эритема асосий гуруҳда тезроқ йўқолгани ишончли равишда қайд этилган ( $p < 0,001$ ). Асосий гуруҳда қичишувнинг йўқолиши тезроқ бўлиб, қиёсий ва назорат гуруҳларига нисбатан ишончли фарқ бор ( $p < 0,001$ ). Асосий гуруҳда даволаш муддати қисқаргани клиник устунликни кўрсатади ( $p < 0,01$ ). Асосий гуруҳда ремиссия давомийлиги ишончли равишда узоқроқ қайд этилди ( $p < 0,01$ ). Асосий, қиёсий ва назорат гуруҳларида рецидив ҳолатлар таҳлили турли терапия усулларининг узоқ муддатли самарадорлигини қиёслаб чиқиш имконини беради. Бу кўрсаткичлар келгусида барқарор ремиссияни таъминлайдиган оптимал терапияни танлашда катта аҳамиятга эга. 1 ой ичида рецидив: асосий гуруҳда эркаклар 2 (4,9%), аёллар 3 (6,5%). Қиёсий гуруҳда эркаклар 5 (11,6%), аёллар 6 (13,6%). Назорат гуруҳида эркаклар 4 (8,7%),

аёллар 5 (10,2%). Демак, 1 ой ичидаги рецидив ҳолатлари энг кам асосий гуруҳда қайд этилган ( $p < 0,05$ ). 3 ой ичида рецидив: асосий гуруҳда эркаклар 5 (12,2%), аёллар 6 (13,0%). Қиёсий гуруҳда эркаклар 12 (27,9%), аёллар 13 (29,5%). Назорат гуруҳида эркаклар 9 (19,6%), аёллар 10 (20,4%). Бу ерда ҳам рецидив ҳолатлари асосий гуруҳда сезиларли кам бўлиб, қиёсий гуруҳга нисбатан қарийб 2,5 баробар паст экани қайд этилди ( $p < 0,01$ ).

#### 4-жадвал

#### Таққослаш гуруҳларида ремиссияга эришиш муддати ва даволаш давомийлиги, ( $M \pm m$ )

№	Кўрсаткичлар	Асосий		Қиёсий		Назорат	
		Эркак	Аёл	Эркак	Аёл	Эркак	Аёл
1	Симптомлар энгиллашиши бошланган кун	3,1±0,1	3,0±0,1	4,5±0,1	4,4±0,1	3,8±0,1	3,7±0,1
2	Эритема тўлиқ йўқолган вақт (кун)	8,9±0,2	8,7±0,2	12,1±0,3	11,9±0,3	10,4±0,3	10,2±0,3
3	Қичишув йўқолган вақт (кун)	7,5±0,2	7,3±0,2	10,6±0,3	10,4±0,3	9,1±0,3	8,9±0,3
4	Умумий даволаш давомийлиги (кун)	15,3±0,4	15,1±0,4	20,6±0,5	20,4±0,5	18,2±0,4	18,0±0,4
5	Ремиссия давомийлиги (ой)	9,8±0,3	9,9±0,3	7,1±0,2	7,3±0,2	8,0±0,3	8,1±0,3

Юқоридаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, асосий гуруҳда рецидив ҳолатлари 1 ой ва 3 ой ичида энг паст даражада қайд этилган. Қиёсий гуруҳда рецидивлар кўпроқ қайд этилгани фақат фитотерапия яллиғланиш каскадини тўлиқ тўхтатолмаслиги билан изоҳланади. Назорат гуруҳидаги кўрсаткичлар ўртача бўлиб, стандарт протоколлар самара берган бўлсада, асосий гуруҳ даражасига етмаган. Бу ҳолат патогенетик жиҳатдан фитопрепаратлар(алоэ, ғоз ёғи)нинг яллиғланишга қарши ва антиоксидант таъсири ҳамда глюкокортикостероидларнинг цитокинлар(IL-4,IL-5) фаоллигини сусайтирадиган таъсири билан изоҳланади. Демак, асосий гуруҳдаги интеграцияланган даволаш усули рецидивларни барқарор равишда камайтириб, узок муддатли ремиссияни таъминлайди.

Иммунологик кўрсаткичларнинг гуруҳлар кесимида таҳлили турли терапия усуллари патогенетик самарадорлигини баҳолаш имконини беради. Асосий, қиёсий ва назорат гуруҳлари орасидаги фарқлар қўшимча фитотерапия ва глюкокортикостероидларнинг комбинациясининг

иммунологик асосланган афзалликларини кўрсатиши мумкин. IgE (IU/ml): асосий гуруҳда эркаклар  $98,4 \pm 4,1$ , аёллар  $96,7 \pm 4,0$ ; қиёсий гуруҳда юқори даражада ( $124,5 \pm 4,8$  ва  $122,8 \pm 4,7$ ); назоратда оралиқ қийматлар ( $112,6 \pm 4,5$  ва  $110,9 \pm 4,4$ ). Асосий гуруҳда IgE даражаси қиёсий гуруҳга нисбатан ишончли равишда паст экани қайд этилди ( $p < 0,01$ ). Айланиб юрувчи иммунокомплекслар (АИК, ед.): асосий гуруҳда эркаклар  $69,3 \pm 3,2$ , аёллар  $68,1 \pm 3,1$ ; қиёсий гуруҳда юқори ( $82,7 \pm 3,5$  ва  $81,5 \pm 3,4$ ); назоратда  $76,4 \pm 3,3$  ва  $75,1 \pm 3,2$ . Асосий гуруҳда АИК даражаси ишончли равишда паст эканлиги аниқланди ( $p < 0,05$ ).

IL-4 (пг/мл): асосий гуруҳда эркаклар  $2,8 \pm 0,12$ , аёллар  $2,7 \pm 0,12$ ; қиёсий гуруҳда юқори ( $3,5 \pm 0,14$  ва  $3,4 \pm 0,14$ ); назорат гуруҳида  $3,1 \pm 0,13$  ва  $3,0 \pm 0,13$ . Асосий гуруҳда IL-4 сатҳи қиёсий ва назорат гуруҳларига нисбатан ишончли паст эканлиги қайд этилди ( $p < 0,01$ ). IL-10 (пг/мл): асосий гуруҳда эркаклар  $9,6 \pm 0,25$ , аёллар  $9,8 \pm 0,25$ ; қиёсий гуруҳда пастроқ ( $8,4 \pm 0,22$  ва  $8,6 \pm 0,22$ ); назоратда эса  $8,9 \pm 0,23$  ва  $9,0 \pm 0,23$ . Асосий гуруҳда яллиғланишга қарши цитокин даражасининг юқори бўлиши клиник барқарорликка хизмат қилган ( $p < 0,05$ ).

Асосий, қиёсий ва назорат гуруҳлари кесимида биокимёвий ва умумий кон кўрсаткичлари динамикасини солиштириш орқали турли даво усулларининг яллиғланиш жараёнига таъсири баҳоланди. Бу маълумотлар стандарт протоколларга қўшимча равишда фитотерапия ва глюкокортикостероидлар комбинациясининг патогенетик самарадорлигини кўрсатиб бериши мумкин. С-реактив оксил (мг/л): асосий гуруҳда эркаклар  $4,2 \pm 0,18$ , аёллар  $4,1 \pm 0,18$ ; қиёсий гуруҳда юқори ( $6,3 \pm 0,20$  ва  $6,2 \pm 0,20$ ); назорат гуруҳида эса ( $5,1 \pm 0,19$  ва  $5,0 \pm 0,19$ ). Асосий гуруҳда СРО даражаси қиёсий ва назорат гуруҳларига нисбатан ишончли равишда паст қайд этилди ( $p < 0,01$ ). Лейкоцитлар ( $10^9/л$ ): асосий гуруҳда эркаклар  $6,8 \pm 0,22$ , аёллар  $6,7 \pm 0,22$ ; қиёсий гуруҳда юқори ( $7,5 \pm 0,23$  ва  $7,4 \pm 0,23$ ); назоратда  $7,1 \pm 0,22$  ва  $7,0 \pm 0,22$ . Асосий гуруҳда лейкоцитлар сони ишончли равишда камайган ( $p < 0,05$ ). Эозинофиллар (%): асосий гуруҳда эркаклар  $2,4 \pm 0,11$ , аёллар  $2,3 \pm 0,11$ ; қиёсий гуруҳда юқори ( $3,2 \pm 0,12$  ва  $3,1 \pm 0,12$ ); назоратда  $2,8 \pm 0,12$  ва  $2,7 \pm 0,12$ . Асосий гуруҳда эозинофиллар даражаси ишончли равишда паст эканлиги қайд этилди ( $p < 0,05$ ).

Асосий гуруҳдаги беморларнинг DLQI динамикасини таҳлил қилиш орқали даво жараёнида ҳаёт сифати қай даражада яхшилангани аниқланди. Бу кўрсаткичлар комплекс терапиянинг клиник ва психоэмоционал самарадорлигини илмий жиҳатдан асослаш имконини беради

Таққослаш гуруҳида DLQI динамикасини таҳлил қилиш, комплекс даво усулларининг дерматологик ҳаёт сифатига қандай таъсир кўрсатганини баҳолаш имконини беради. Бу маълумотлар асосий гуруҳ натижалари билан қиёслаб, қўшимча терапиянинг самарадорлигини чуқурроқ англаш имкониятини яратади. Қичишув ва безовталиқ даражаси: даволашгача эркакларда  $8,2 \pm 0,2$ , аёлларда  $8,3 \pm 0,2$  балл қайд этилган. Бир ойдан кейин бу кўрсаткич эркакларда  $5,7 \pm 0,2$ , аёлларда  $5,6 \pm 0,2$ , уч ойдан кейин эса  $3,6 \pm 0,1$  ва  $3,5 \pm 0,1$  баллга тушди. Қичишувнинг пасайиши барқарор кузатилган, аммо

асосий гуруҳга нисбатан секинроқ кечган. Уйқуга таъсири: бошланғич кўрсаткич эркакларда  $7,0\pm 0,2$ , аёлларда  $7,1\pm 0,2$  бўлиб, бир ойдан кейин  $4,9\pm 0,2$  ва  $4,8\pm 0,2$ , уч ойдан кейин  $3,0\pm 0,1$  ва  $2,9\pm 0,1$  баллга тушди. Уйқу тўлиқ тикланмаган, аммо салмоқли яхшиланиш қайд этилган (5-жадвал).

### 5-жадвал

#### Асосий гуруҳ беморларини даволаш динамикасида дерматологик ҳаёт сифати кўрсаткичлари (DLQI) балл, (M±m)

№	Кўрсаткичлар	Даволашгача		1 ойдан сўнг		3 ойдан сўнг	
		Эркак	Аёл	Эркак	Аёл	Эркак	Аёл
1	Қичишув ва безовталиқ даражаси	$8,4\pm 0,2$	$8,5\pm 0,2$	$4,1\pm 0,1$	$4,0\pm 0,1$	$1,9\pm 0,1$	$1,8\pm 0,1$
2	Уйқуга таъсири	$7,2\pm 0,2$	$7,3\pm 0,2$	$3,6\pm 0,1$	$3,5\pm 0,1$	$1,6\pm 0,1$	$1,5\pm 0,1$
3	Ижтимоий фаолликка таъсири	$6,8\pm 0,2$	$6,9\pm 0,2$	$3,3\pm 0,1$	$3,2\pm 0,1$	$1,4\pm 0,1$	$1,3\pm 0,1$
4	Селектив кийим кийиш зарурати	$5,9\pm 0,2$	$6,0\pm 0,2$	$2,8\pm 0,1$	$2,7\pm 0,1$	$1,2\pm 0,1$	$1,1\pm 0,1$

Ижтимоий фаолликка таъсири: даволашгача эркакларда  $6,7\pm 0,2$ , аёлларда  $6,8\pm 0,2$ ; бир ойдан кейин  $4,5\pm 0,2$  ва  $4,4\pm 0,2$ ; уч ойдан кейин  $2,8\pm 0,1$  ва  $2,7\pm 0,1$  баллга пасайди. Ижтимоий фаоллик яхшиланган бўлса-да, симптомлар маълум даражада сақланиб қолган. Селектив кийим кийиш зарурати: эркакларда  $5,8\pm 0,2$ , аёлларда  $5,9\pm 0,2$ ; бир ойдан кейин  $3,9\pm 0,1$  ва  $3,8\pm 0,1$ ; уч ойдан кейин  $2,3\pm 0,1$  ва  $2,2\pm 0,1$  балл қайд этилган. Бу кўрсаткич асосий гуруҳга нисбатан юқорироқ сақланган.

Назорат гуруҳида DLQI кўрсаткичлари динамикасини таҳлил қилиш орқали стандарт протоколлар асосидаги терапиянинг ҳаёт сифатига таъсири баҳоланади. Бу маълумотлар асосий ва қиёсий гуруҳлар натижалари билан қиёслаб, стандарт протоколларнинг самарадорлик даражасини аниқлаш имконини беради. Қичишув ва безовталиқ даражаси: даволашгача эркакларда  $8,3\pm 0,2$ , аёлларда  $8,4\pm 0,2$  балл бўлган. Бир ойдан кейин бу кўрсаткич сезиларли пасайиб, эркакларда  $4,8\pm 0,2$ , аёлларда  $4,7\pm 0,2$ , уч ойдан кейин эса  $2,8\pm 0,1$  ва  $2,7\pm 0,1$  баллга тушди ( $p < 0,001$ ). Уйқуга таъсири: бошланғичда эркакларда  $7,1\pm 0,2$ , аёлларда  $7,2\pm 0,2$ , бир ойдан кейин  $4,1\pm 0,2$  ва  $4,0\pm 0,2$ , уч ойдан кейин эса  $2,4\pm 0,1$  ва  $2,3\pm 0,1$  баллга тушган. Уйқу барқарор равишда яхшиланган.

Ижтимоий фаолликка таъсири: даволашгача эркакларда  $6,8\pm 0,2$ , аёлларда  $6,9\pm 0,2$ , бир ойдан кейин  $3,8\pm 0,1$  ва  $3,7\pm 0,1$ , уч ойдан кейин эса  $2,2\pm 0,1$  ва  $2,1\pm 0,1$  баллгача камайган. Бу ижтимоий фаолликда сезиларли яхшиланиш бўлганини кўрсатади. Селектив кийим кийиш зарурати: эркакларда  $5,9\pm 0,2$ , аёлларда  $6,0\pm 0,2$ , бир ойдан кейин  $3,3\pm 0,1$  ва  $3,2\pm 0,1$ , уч ойдан кейин эса  $1,9\pm 0,1$  ва  $1,8\pm 0,1$  балл бўлган.

Шундай қилиб, олтинчи бобда модификация қилинган ғоз ёғи асосидаги маҳаллий суртмалар клиник симптоматик яхшиланиш, лаборатор кўрсаткичларнинг нормаллашиши ва ҳаёт сифати ошиши билан боғлиқ равишда юқори самарадорликка эга эканлиги баён этилган.

**Диссертациянинг еттинчи боби — «Корреляцион таҳлил натижалари ва даволаш тактикаси танлови учун прогностик алгоритм»га бағишланган.** Ушбу бўлимда клиник, биокимёвий, иммунологик ва морфологик кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғланишлар таҳлил қилинган ҳамда олинган натижалар асосида беморларни даволаш тактикаси учун прогностик алгоритм ишлаб чиқилган. Бобда қичишиш интенсивлиги, тери клиник белгилари, DLQI индекси каби клиник параметрлар, иммунологик маркерлар (IgE, IL-4, IL-10), яллиғланиш кўрсаткичлари (CPO, эозинофиллар) билан яқин корреляцияда эканлиги кўрсатилган. Ушбу маълумотлар асосида интеграл баҳолаш индекси (ИБИ) ишлаб чиқилиб, беморларни паст, ўрта ва юқори хавф тоифаларига ажратиш имкони яратилган

Беморларда даволаш самарадорлигини башорат қилиш клиник амалиётда муҳим аҳамият касб этади, чунки бу нафақат оғир асоратларни олдиндан аниқлаш, балки даволаш тактикаси ва реабилитация чораларини индивидуал танлаш имконини яратади. Шу мақсадда клиник (DLQI, эритема майдони, тери қуруқлиги), иммунологик (IgE, АИК, IL-4, IL-10) ва биокимёвий/гематологик (CPO, лейкоцитлар, эозинофиллар) кўрсаткичлар асосида комплекс прогностик алгоритм ишлаб чиқилди.

Алгоритм корреляцион таҳлил натижаларига таянади ва ҳар бир кўрсаткичнинг клиник аҳамияти, прогноздаги ўрни ҳамда динамик ўзгариши ҳисобга олинди. Тузилган тизимда ҳар бир кўрсаткич белгиланган диапазонларга кўра баллга ўтказилди ва тўпланган умумий индекс (ИБИ) орқали беморнинг давога жавоб даражаси баҳоланди. Натижа паст, ўрта ва юқори хавф тоифаларига ажратилди, бу эса даволаш тактикаси танловини шахсийлаштириш имконини берди (6-жадвал).

#### 6-жадвал

#### Даволаш самарадорлигини баҳолаш учун прогностик шкала

##### А) Клиник кўрсаткичлар (макс. 30 балл)

Кўрсаткич	Диапазон	Балл
DLQI (қичишув/уйқу/ижтимоий фаоллик)	<5 ёки ≥50% пасайиш	12
	5–7 ёки 30–49% пасайиш	8
	8–9 ёки 10–29% пасайиш	4
	≥10 ёки <10% пасайиш	0
Эритема майдони (см <sup>2</sup> )	<2.5 ёки ≥40% пасайиш	10
	2.5–3.0 ёки 20–39% пасайиш	6
	>3.0 ёки <20% пасайиш	0
Тери қуруқлиги (балл)	0–1	8
	2	4
	≥3	0

##### В) Иммунологик кўрсаткичлар (макс. 30 балл)

Кўрсаткич	Диапазон	Балл
IgE (IU/ml)	<100 ёки ≥30% пасайиш	12

	100–120 ёки 15–29% пасайиш	8
	>120 ёки <15% пасайиш	0
АИК (ЦИК), мг/л	<70 ёки ≥25% пасайиш	8
	70–80 ёки 10–24% пасайиш	4
	>80 ёки <10% пасайиш	0
IL-4 (пг/мл)	<3.0	5
	3.0–3.5	3
	>3.5	0
IL-10 (пг/мл)	>9.5	5
	9.0–9.5	3
	<9.0	0

### С) Биокимёвий/гематологик кўрсаткичлар (макс. 30 балл)

Кўрсаткич	Диапазон	Балл
СРО (мг/л)	<4.0 ёки ≥30% пасайиш	10
	4.0–5.0 ёки 15–29% пасайиш	6
	>5.0 ёки <15% пасайиш	0
Лейкоцитлар (10 <sup>9</sup> /л)	4.0–6.9	8
	7.0–7.5	4
	>7.5	0
Эозинофиллар (%)	≤2.5	8
	2.6–3.0	4
	>3.0	0

#### Йиғма индекс ва талқин

$$TQS = A + B + C \quad (\text{макс. 90 балл})$$

Ҳисоб	Талқин
≥70	Аъло (самарали даво)
50–69	Ўртача даво
30–49	Кониқарли (оптимизация керак)
<30	Қониқарсиз даво / Етарсиз жавоб / юқори хавф

#### «Қизил байроқлар» (қайта баҳолаш зарур):

Шу билан бирга, шкала “қизил байроқлар” деб аталувчи хавфли кўрсаткичларни ( IgE >120 IU/ml, СРО >5.5 мг/л, Эозинофиллар >3%, IL-10 <9.0 пг/мл) ҳам инобатга олинган. Бу ҳолатларда интеграл индекс юқори чиқса, клиник назорат кучайтирилиши лозимлиги қайд этилди. Ушбу ёндашув шкаланинг клиник ишончилигини ошириб, даволаш самарадорлигини индивидуал баҳолашга хизмат қилади.

Даволаш самарадорлигини баҳолаш учун ишлаб чиқилган прогностик шкалада клиник, иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичлар белгиланган

меъёрлар ва динамик ўзгаришлар асосида баллларга ўтказилди. Ҳар бир кўрсаткич учун “диапазон–балл” тизими қўлланиб, меъёрга яқин ёки сезиларли пасайиш юқори балл билан, меъёрдан четлашиш ёки минимал ўзгариш эса паст балл билан баҳоланди. Натижада ҳисобланган баллар беморларнинг ҳолатини баҳолаш ва прогноз қилиш учун ягона интеграл индексга айланди. Ушбу индекс клиник амалиётда осон қўлланадиган шкала сифатида хизмат қилиб, беморларни “паст”, “ўрта” ва “юқори” хавф тоифаларига ажратиш имконини берди.

*Диссертация ишида беминнат маслаҳатлари билан ёрдам берганликлари учун профессор И.Р.Асқаровга миннатдорчилик билдирамыз.*

## ХУЛОСАЛАР

САДларни даволашда қўлланиладиган замонавий клиник протоколлар таҳлили шуни кўрсатадики, глюкокортикостероидли ва ностероидли препаратлар яллиғланиш ва қичишишни қисқа муддатда бартараф этишга хизмат қилади, бироқ узоқ муддатли барқарор ремиссияни таъминлай олмайди. Шу боис стандарт протоколларнинг самарадорлиги чекланган бўлиб, уларни қўшимча воситалар билан уйғунлаштириш мақсадга мувофиқ.

Халқ табобатида анъанавий равишда қўлланиб келинган воситалар — турли гиёҳлар, асал, алоэ, ҳайвонот ёғлари (айниқса ғоз ёғи), шунингдек парҳез ва гигиеник чораларни тизимлаштириш, яллиғланишни камайтириш, қичишишни енгиллаштириш ва тери химоя функциясини тиклашда маълум самара кўрсатади.

Алоэ экстракти билан бойитилган ғоз ёғи асосида тайёрланган маҳаллий малҳамнинг токсиклиги ҳамда терида кўзғатувчи таъсири баҳоланди. Биотоксикологик тадқиқотлар натижасида восита юқори биотолерантликка эгаллиги, оғир ножўя таъсирлар қайд этилмагани ва яра битиш жараёнини тезлаштириши аниқланди. Бу маълумотлар клиник босқичда қўллаш учун етарли асос бўлади.

Комплекс даволаш усули — ғоз ёғи ва алоэ экстракти билан бойитилган малҳам ҳамда халқ табобати воситалари стандарт протоколлар билан уйғун қўлланилганда самарадорлиги юқори бўлиши аниқланди. Асосий гуруҳда клиник белгилар, рецидив ҳолатлари нисбатан тез камайиши, иммунологик кўрсаткичлар (IgE пасайиши, IL-10 кўтарилиши) ва биокимёвий параметрлар (СРО, эозинофиллар пасайиши) клиник яхшиланиш кузатилди. Бу ҳолат усулнинг ёш ва жинс гуруҳларига қарамасдан самарали эканини кўрсатди.

Ёш ва жинс омиллари ҳисобга олинган таҳлиллар шуни кўрсатадики, аёлларда касаллик пубертат ва фертил даврларда оғирроқ кечади, эркакларда эса кўпроқ болалик ёшда қайд этилади. Комплекс даво усули ҳар икки жинсда ҳам самарали бўлиб, DLQI индекси орқали баҳоланганда ҳаёт сифати

яхшиланди. Шу билан бирга, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳам беморларнинг тиббий хизматга муурожаатлари ва дори сарфлари камайиши, меҳнатга лаёқатлиликининг ошиши қайд этилди.

Клиник, иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичлар ҳамда ёш ва жинс хусусиятларини инобатга олган ҳолда САДларни даволашнинг индивидуаллаштирилган шкаласи ишлаб чиқилди. Шкала беморларни хавф даражаларига ажратиш ва терапия самарадорлигини олдиндан башорат қилиш имконини берди. Унинг қўлланилиши натижасида касаллик клиник белгиларини тезда камайишига, ремиссиянинг узокроқ сақланишига ва беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланишига эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.06/2025.27.12.Tib.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АНДИЖАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ  
ИМЕНИ АБУ АЛИ ИБН СИНО**

**КАРИМОВА ФЕРУЗА РАХМАТБОВЕВНА**

**ОПТИМИЗАЦИЯ ЛЕЧЕНИЯ ХРОНИЧЕСКИХ АЛЛЕРГИЧЕСКИХ  
ДЕРМАТИТОВ МЕТОДАМИ НАРОДНОЙ МЕДИЦИНЫ**

**14.00.41 - Народная медицина**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА  
МЕДИЦИНСКИХ НАУК (DSc)**

**АНДИЖАН – 2026**

Тема диссертации доктора наук (DSc) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за B2024.3.DSc/Tib1157

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.adti.uz](http://www.adti.uz)) и Информационно-образовательного портала «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный консультант:</b>	<b>Каюмов Холмурод Нанмович</b> доктор медицинских наук, доцент
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Муминджанов Мирджалол Мукумжон угли</b> доктор химических наук, профессор <b>Юлдашов Ильхом Рузиевич</b> доктор медицинских наук, профессор <b>Хакимов Насрулло Собирович</b> доктор медицинских наук, доцент
<b>Ведущая организация</b>	<b>Самаркандский государственный медицинский университет</b>

Защита диссертации состоится «28» 02 2026 года в 12<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.06/2025.27.12.Tib.02.02 при Андижанском государственном медицинском институте (Адрес: 170100, г. Андижан, ул. Ю.Отабекова, дом 1; Тел./факс: (+998) 74-223-94-50, e-mail: [info@adti.uz](mailto:info@adti.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского государственного медицинского института (зарегистрирована за № 3). (Адрес: 170100, г. Андижан, ул. Ю. Отабекова, дом 1; Тел./факс: (+998) 74-223-94-50, e-mail: [info@adti.uz](mailto:info@adti.uz)).

Автореферат диссертации разослан «14» 02 2026 года  
(реестр протокола рассылки № 3 от «14» 02 2026 года).



**И.Ю. Маматова**  
Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
доктор химических наук, профессор

**Ж.А. Ботиров**  
Удельный секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, доцент

**Н.С. Хакимов**  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
ученых степеней, доктор медицинских  
наук, доцент

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), около 20% населения мира страдает различными формами аллергических заболеваний, и большую часть из них составляют хронические аллергические дерматиты. Эпидемиологические исследования, проведенные в Европе и США, показали, что признаки аллергического дерматита наблюдаются у 3-5% взрослых и у 15-20% детей. Это заболевание имеет значение не только за счет повреждения кожи, но и за счет резкого снижения качества жизни пациентов, нарушения сна, психоэмоционального дискомфорта и снижения социальной адаптации. Научные исследования последних лет свидетельствуют о том, что у пациентов с аллергическими дерматитами повышен риск развития бронхиальной астмы, аллергического ринита, сердечно-сосудистых заболеваний и нарушений обмена веществ (ВОЗ, 2023).

Не смотря на то что, в современной медицине разработаны различные стандартные протоколы лечения аллергических дерматитов, они часто симптоматически ориентированы, и долгосрочный эффект не всегда обеспечивается. Поэтому во многих странах пациенты наряду с современным лечением широко пользуются средствами народной медицины. По данным ВОЗ, «...около 80% населения мира обращаются к народным средствам в качестве вспомогательного средства при лечении различных заболеваний...»<sup>1</sup>. В то время как в Германии и Франции препараты, изготовленные из лекарственных растений, составляют 20-25% от общего оборота аптек, в странах Азии не менее половины населения используют различные лекарственные растения и местные натуральные средства при аллергических заболеваниях<sup>2</sup>. Однако эффективность и безопасность методов народной медицины при лечении аллергических дерматитов отличаются недостаточной научной обоснованностью. Их механизмы действия, оптимальные дозы и долгосрочные эффекты во многих случаях нуждаются в научных исследованиях. Поэтому актуальной задачей является гармонизация методов современной медицины и народной медицины, разработка клинически эффективных и безопасных направлений.

В нашей стране большое внимание уделяется дальнейшему совершенствованию медицинской сферы, в том числе повышению эффективности диагностики, лечения и профилактики кожных заболеваний, таких как хронические аллергические дерматиты, а также широкому внедрению современных методов диагностики, внедрению инновационных направлений лечения, подготовке высококвалифицированных специалистов и развитию медицинской инфраструктуры в целях гармонизации методов народной медицины с современной клинической практикой. В связи с этим в Указе Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года No УП-60

<sup>1</sup> Данные ВОЗ // <https://globalhealth.duke.edu/news/traditional-chinese-medicine-global-trend-viable-alternative-western-medicine>

<sup>2</sup> Tian, J., Wang, C., Ye, Y., & Zhang, Y. (2023). Global epidemiology of atopic dermatitis: A systematic review and meta-analysis. *British Journal of Dermatology*, 189(2), 234–245.

«О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»<sup>3</sup> определены такие приоритетные направления, как охрана здоровья населения, «Повышение качества первичной медико-санитарной помощи» и «Гармонизация национальных традиций с инновационными подходами».

В Постановлении Президента Республики Узбекистан от 12 октября 2018 года № ПП-3968 «О мерах по упорядочению сферы народной медицины в Республике Узбекистан» и Постановлении Президента Республики Узбекистан от 10 апреля 2020 года № ПП-4668 «О дополнительных мерах по развитию народной медицины в Республике Узбекистан»<sup>4</sup> определены задачи, направленные на научное изучение методов народной медицины, их интеграцию в современную медицинскую практику и обеспечение здорового образа жизни населения. Исходя из приоритетных направлений, определенных в этих нормативно-правовых документах, данное диссертационное исследование служит целям, поставленным путем научной оценки средств народной медицины, определения их клинической эффективности и внедрения в практическую медицину.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техники республики.** Диссертационная работа была выполнена в рамках приоритетных направлений развития науки и технологий Республики Узбекистан по направлению IV «Медицина и фармакология».

**Анализ международных научных исследований по теме диссертации**<sup>5</sup>.

Ряд научных исследований, направленных на изучение клинко-биохимических механизмов развития, оптимизацию диагностики и лечения хронических аллергических дерматитов, а также сочетание методов народной медицины с современной аллергологией и дерматологией, проводится в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в том числе: Harvard Medical School, University of Toronto, University of Bologna, Seoul National University, Johns Hopkins University, University of Melbourne, Beijing University of Chinese Medicine, Kyung Hee University (США, Канада, Италия, Корея, Австралия, Китай); Robert Koch Institute, National Institutes of Health (Германия, США); Ташкентский государственный медицинский университет, Бухарский государственный медицинский институт (Узбекистан).

В результате проведенных исследований по совершенствованию возрастных и половых особенностей, патогенеза, диагностики и лечения хронических аллергических дерматитов получен ряд научных результатов, в том числе: проанализированы возрастные и половые клинические проявления хронических аллергических дерматитов и их связь с сопутствующими заболеваниями (Harvard Medical School, University of Toronto); определены биомаркеры крови - уровни общего и специфического иммуноглобулина Е

<sup>3</sup> Указ Президента Республики Узбекистан, от 28.01.2022 г. № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы» // <https://lex.uz/docs/5841077>

<sup>4</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан, № ПП-4668 «О дополнительных мерах по развитию народной медицины в Республике Узбекистан» от 10.04.2020 года. // <https://lex.uz/docs/4785746>

<sup>5</sup> <https://hms.harvard.edu>, <https://www.utoronto.ca>, <https://www.unibo.it>, <https://en.snu.ac.kr>, <https://www.jhu.edu>, <https://www.unimelb.edu.au>, <https://english.bucm.edu.cn>, <https://www.khu.ac.kr>, <https://www.rki.de>, <https://www.nih.gov>, <https://tma.uz>, <https://bsmi.uz>

(IgE), эозинофилов, интерлейкинов (IL-4, IL-13, IL-31) и их связь с интенсивностью симптомов (Robert Koch Institute, National Institutes of Health, Johns Hopkins University); зарегистрированы изменения барьерной функции кожи (филагрин, факторы кератинизации) и микробиома (University of Bologna, University of Melbourne); оценена степень влияния на качество жизни, нарушения сна и психоэмоциональное состояние (Seoul National University, University of Melbourne, Cambridge University);

**Степень изученности проблемы.** В международных руководствах особо отмечена роль стероидов в лечении САД: в рекомендации ВОЗ они указаны как кратковременное средство лечения, основной целью которого является купирование воспаления и контроль рецидива (WHO, 2022). В протоколах Европейских дерматологических обществ (EAACI, EDF, EADV) наряду с эмолентами в качестве первого этапа базисной терапии рекомендованы стероиды, однако сроки лечения ограничены (Wollenberg et al., 2018). Руководство Американской академии дерматологии (AAD) отдает предпочтение низкоэффективным стероидам у детей, в то время как средне- и высокоэффективные средства рекомендуются в краткосрочной перспективе для взрослых (Eichenfield et al., 2014).

Научные исследования показали, что в патогенезе хронических аллергических дерматитов большое значение имеют такие маркеры, как иммунологический дисбаланс, изменения уровня цитокинов, показатели оксидативного стресса и С-реактивного белка (Park J. et al., 2020). Однако в клинических протоколах в основном рекомендуются глюкокортикостероиды и антигистаминные препараты, длительное применение которых связано со многими побочными эффектами.

В нашей стране также проведен ряд работ по распространению хронических аллергических дерматитов. В частности, по данным Юсуфова Ш. и соавторов (2021), у 25-30% больных атопическим или контактным дерматитом отмечается склонность к хроническому течению. В то же время сохраняются случаи использования методов народной медицины при лечении кожных заболеваний в местных условиях.

В последние годы учеными нашей страны, в том числе профессорами И.Р. Аскарковым, Н.С. Мамасолиевым, Х.Н. Каюмовым и другими проведен ряд работ по научной оценке эффективности средств народной медицины. В исследованиях ученых научно обоснованы противовоспалительные, антиоксидантные и ускоряющие восстановление кожи свойства натуральных жиров, растительных экстрактов и минеральных веществ. В то же время они проанализировали возможности применения методов традиционной медицины в сочетании с современными клиническими протоколами и доказали их полезность в качестве дополнительного инструмента. Эти данные позволили обеспечить клинически обоснованное применение средств народной медицины и выявить возможности индивидуализированного лечения хронических аллергических дерматитов с использованием натуральных средств.

